

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 9 февраль
сешанба
№ 05 (1261)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adiya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



ДАРАХТЛАР ОСМОННИ СУЯБ
ТУРАДИ. КЕСМА!!! 4-БЕТ

ҲАР БИР НАРСА ЎЛЧОВ БИЛАН
ЯРАТИЛГАН 5-БЕТ

БУЁГИ ҚАНДОҚ БЎЛДИ,
ЁШУЛЛИЛАР? 6-БЕТ



БУГУН ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ, УЛУҒ МУТАҒАККИР ШОИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИГА 580 ЙИЛ ТЎЛДИ.



МАНГУ ҲАҚИҚАТЛАР

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса,
Обод айлағай.

Чин сўз — мўтабар; яхши сўз қисқа — мух-
тасар. Кўп сўзловчи — зериктирувчи; қай-
та-қайта гапирувчи — ақлдан озган. Айб
изловчи — айбли; киши айбини гапирувчи —
ўзига ёмонлик соғинувчи. Тўғрилиқ билан қар-
овчи — покиза назарли; кишиларнинг яхши
томонларини кўрувчи — тўғри назарли.

Кимнинг миясида иллат бўлса — сўзи-
да мантиқ бўлмайди. Мияси соғлом бўлса,
гап-сўзи ёқимли ва хатосиз бўлади. Сўзи хи-

собсиз — ўзи ҳисобсиз. Сўзида паришонлик
— ўзида пушаймонлик. Агар сўз гўзаллик
зийнати билан безалмаган бўлса — унга чин-
лик безаги етарлидир!

Кимки кўнглини қаттиқ сўз билан жа-
роҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳарли най-
задек санчилади. Кўнглида тил найзасининг
жароҳати битмас; у жароҳатга ҳеч нарса
малҳамлик қилмас.

Агар бир кўнглида тил найзасининг жароҳа-
ти бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга
малҳам ва роҳатдир. Мулоим сўз — ваҳший-
ларни улфатга айлантиради; сеҳргар — оҳанг
билан афсун ўқиб, илонни инидан чиқаради.

Прокурордан миннатдорман!

2020 ЙИЛНИНГ охири ойлари эди. Бо-
шимга бир мушкул иш тушиб, ҳуқуқни
муҳофаза қилиш органларига мурожаат
қилишимга тўғри келди. Масала жуда чи-
гал, мен эса унга тезроқ ечим топишни
истардим. Аммо ўзимни охири кўринмай-
диган йўлда ёлғиз кетаётган йўловчидек
ҳис қилардим.

Шунда буюк мутафаккир Алишер Наво-
ийнинг: "Адл бир кўргондирки, сув солиб
йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била
бузилмас. Ва адл ганжидурким, кўпрак олган
сайин кўпрак бўлур, озроқ харж қилсанг, озроқ
бўлур", яъни адолат ўтда куймайди, сувда чўк-
майди, харж қилган билан адо бўлмайди, де-
ган пурмаъно фикрлари кўнглимни нурафшон
этди. Ва тинимсиз ўз шаъним, қадр-қимматим,
адолат қарор топиши учун курашдим.

Президентимизнинг "Фуқароларнинг қо-
нуний мурожаатларини қисқа муддатда
синчиклаб кўриб чиқиш ва ҳал қилишни
таъминлаш муҳимдир", дея таъкидлаган сўз-
лари менга куч берди. Мен бу сўзларнинг айни
ҳақиқат эканлигини прокуратура органларига
муаммоли вазиятим юзасидан қилган мурожа-
атимдан сўнг янада тيرانроқ англадим.

Қисқа фурсат ичида бўлса-да уларнинг
фуқаролар мурожаатларига адолатли муно-
сабатда бўлиши, соҳавий қонун ҳужжатларига
риоя қилган ҳолда ҳар бир мурожаатни син-
чиклаб кўриб чиқишларининг гувоҳи бўлдим.
Айниқса, Тошкент шаҳар прокурори Б.Валиев,
Яккасарой тумани прокурори Н.Аллабергано-
ва, туман прокурорининг биринчи ўринбосари
А.Мақсудовларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш, давлат органларининг халқ билан му-
лоқотини мустаҳкамлаш, давлат ва ижтимоий
ҳаётдаги масалаларнинг ҳал этилишида олиб
бораётган одилона фаолиятларини эътироф
этишни ҳам фуқаролик, ҳам инсонийлик бур-
чим, деб ўйладим. Прокурорнинг қонуний ҳу-
лосасини эшитарканман, қалбимни қувонч ва
ишонч туйғулари эгаллади.

Мен уларнинг ўз касбига содиқ раҳбар, де-
ган юксак мартабага муносиб эканига гувоҳ
бўлдим. АДОЛАТли сиёсат туфайли эл шод,
мамлакат обод бўлади, деган асл ҳақиқатни
яна бир қарра англадим.

Гулноз САТТОРОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек
тили, адабиёти ва фольклори институти
катта илмий ходими

Наманган
вилояти



НАМАНГАН туманидаги "Abduraximjon xoji" хусусий корхонаси раҳбари, Илҳомжон Дадамирзаев "Наманган кўприклардан фойдаланиш" унитар

Навоий
вилояти

НАВБАҲОР туман адлия бўлими томонидан тумандаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда барча маҳалла фуқаролар йиғинларида жойлардаги мавжуд муаммоларни бартавраф этишга қаратилган сайёр қабуллар ташкил этилмоқда.

Худди шундай қабулларнинг бирида тумандаги "Қизилой" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Олим Неъматов мурожаат қилиб, Навоий худудгаз филиали "Навбахортумангаз" таъминоти

Қашқадарё
вилояти

ҚАРШИ туман "Бодомзор" маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Самадова туман тиббиёт бирлашмасининг марказий дорихонасида орастобон (идиш ювувчи) бўлиб ишлаганлиги, туғруқ ва бола парваришlash таътилидан қайтганидан кейин асосий иш ўрни берилмаётганлигидан норози бўлиб туман адлия бўлимига шикоят хати йўллаган.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида иш берувчи таътилдан сўнг ишга қайтмоқчи бўлган ходимга штатлар қисқартирилиши сабабли ўз ўрнига ишга қайтолмаслигини билдириб, унинг ишга чиқишига асоссиз равишда тўсқинлик қилиб кел-

Сирдарё
вилояти

ФУҚАРОЛАР Ш.Эргашев, К.Султонова ва О.Султоновлар Сирдарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказидан иш ҳақларини ололмаганликларидан норози бўлиб, Гулистон шаҳар адлия бўлимига амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган. Маз-

Тошкент
шаҳри



ФУҚАРО С.Тиллаев 2019 йил ёша доир пенсияга чиққанлиги, аммо пенсияни ҳисоблашда 14 йиллик иш стажини ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар архивдан чиқмаганлиги сабабли, ҳисобга

"Ишим битди, эшагим лойдан ўтди"ми?

корхонасидан кўрсатилган техника хизмати ҳақини ундиришда амалий ёрдам сўраб, Поп туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Мазкур мурожаат ўрганилганда, 2020 йил 2 январда унитар корхона ва хусусий корхона ўртасида автотранспорт воситаларини ижарага бериш тўғрисида имзоланган ижара шартномасига асосан "Abduraximjon xoji" хусусий корхонаси 6 та транспорт воситасини "Наманган кўприклардан фойдаланиш" унитар корхонасига ижарага берганлиги маълум бўлди. Аммо ҳамкор унитар корхона 2020 йил декабрь ойига қадар ҳисобланган 972 миллион сўмлик тех-

ника хизмати ҳақини тўлаб бермаган. Ушбу ҳақдорлик томонлар ўртасида 2020 йил 23 ноябрь куни тузилган солиштирма далолатнома билан ҳам тасдиқланган.

Туман адлия бўлими томонидан хусусий корхона манфаатини кўзлаб, Чуст туманлараро иқтисодий судига киритилган ариза ижобий ҳал этилиб, суднинг 2020 йил 24 декабрдаги буйруғига асосан қарздор унитар корхонадан тадбиркор И.Дадамирзаев хусусий корхонаси фойдасига 972 миллион сўмлик ҳақни ундириш белгиланди.

Азамат Жўраев,
Поп туман адлия бўлими бошлиғи

Чилангар ўз касбидан эмас, ўз бошлиғидан

бўлимида чилангар вазифасида ишлаганлиги, ишлаган даврлари учун иш ҳақлари тўлиқ берилмаётганлигидан норози эканлигини билдириб, ушбу масалада амалий ёрдам сўраган.

Маълумки, Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки локал норматив ҳужжатда белгиланиши, ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги, жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан

норози ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Фуқаро О.Неъматовнинг мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганилиб, чилангарга бир миллион икки юз минг сўм миқдоридagi иш ҳақи ундириб берилиши таъминланди.

Нурали Исроилов,
Навбахор туман адлия бўлими бошлиғи


Орастобон таътилдан сўнг ишсиз қолганди

ганлиги маълум бўлди.

Шундан кейин Н.Самадова ўз ҳисобидан бир йиллик таътилга чиқишга мажбур бўлган. Шу давр давомида бир неча бор иш сўраб қилган мурожаати ҳам самарасиз кетди.

Туман адлия бўлимининг аралашуви билан Н.Самадова туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг буйруғига асосан, ўз вазифасига тенг бўлган, яъни ҳўжалик бўлимига ишчи вазифасига қабул қилиниши таъминланди.

Рисолат Абдуллаева,
Қарши туман адлия бўлими бошлиғи



Молия бошқармасидан махсус тўлов учун
маблағ ажратилди

кур мурожаат шаҳар адлия бўлими томонидан ўрганилиб, тиббиёт марказига тақдимнома киритилди.

2021 йилнинг январь ойи охирида вилоят молия бошқармаси томонидан махсус тўлов учун маблағ ажратилиб, О.Султоновга 5 миллион сўм, К.Султо-

новага 2 миллион 500 минг сўм, Ш.Эргашевга 6 миллион 667 минг сўм, жами 14 миллион 167 минг сўм пул маблағи тўлаб берилди.

Н.Қаршибоев,
Гулистон шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Суд пенсия жамғармасига мажбурият юклади

олинмаганлигидан норози бўлиб, Учтепа туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Меҳнат кодексининг 81-моддаси ва "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 42-моддасига асосан меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат эканлиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 283-моддаси 2-қисмига асосан иш берувчиларнинг давлат ижтимоий сугуртаси учун бадал тўламаганликлари сугурта қилинган ходимни давлат ижтимоий сугуртаси маблағлари ҳисобидан таъминлаши ҳуқуқидан маҳрум

қилмайди дейилган.

Туман адлия бўлими томонидан фуқаро С.Тиллаевнинг мурожаати ўрганиб чиқилиб, туман маъмурий судига шикоят аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига биноан, туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Учтепа туман бўлимига фуқаро С.Тиллаевнинг 14 йиллик иш стажини ёшга доир пенсия тайинлашда ҳисобга олиш мажбурияти юклатилди.

Бобир Мирзо ЭШНИЁЗОВ,
Учтепа туман адлия бўлими бош
маслаҳатчиси

Тошкент
шаҳри

ЭЪТИБОРСИЗЛИК
ЁҲУД ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН
СОЛИҚЧИЛАР



ФУҚАРО У.Э.нинг Яшнобод туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ишдан бўшатишдан бўлса-да, меҳнат дафтарчаси қайтарилмаганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ўрганилди.

Ариза муаллифи ҳақиқатан ҳам 2018 йил 10 сентябрда Яшнобод туман давлат солиқ инспекциянинг жисмоний шахслар билан ишлаш шўъбаси давлат солиқ катта инспектори лавозимига ишга қабул қилинган. Бироқ инспекциянинг 2019 йил 1 июлдаги буйруғига мувофиқ, у билан тузилган меҳнат шартномаси ўзининг аризасига биноан бекор қилинган бўлса-да, 2020 йил якунига қадар У.Э.га меҳнат дафтарчаси қайтарилмаган.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида солиқ инспекцияси фуқаро У.Э.га тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги туфайли меҳнат дафтарчасини 3 кунлик муддатда олиб кетиш тўғрисида 2019 йил 18 июлда хат билан хабарнома юборганлигини маълум қилган.

Шундан сўнг шаҳар адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан фуқаро У.Э.га 2019 йил 1 июлдан 18 июлгача бўлган даврга меҳнат дафтарчаси кечиктирилган ҳар бир кун учун ўртача иш ҳақи тўлиниши лозимлиги кўрсатилган.

Бироқ ариза муаллифи унга инспекция томонидан 2020 йил якунига қадар ҳам меҳнат дафтарчасини олиб кетиш ҳақида хабарнома юборилмаганлигини, бунга аниқлик киритиш учун туман почта алоқа боғланмасига ёзма мурожаат қилганлигини, почта боғланмасининг 2020 йил 19 майдаги хатига кўра, инспекциянинг юқорида кўрсатилган 2019 йил 18 июлдаги У.Э.га йўллаган хати почта алоқа бўлимига келиб тўшмаганлиги маълум бўлди.

Меҳнат кодексининг 108-моддаси ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилган "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг 3.1-бандига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Иш берувчи айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади. Демак, бундай ҳолда ишдан бўшаш куни, меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади.

Шунга кўра, шаҳар адлия бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига даъво ариза киритилиб, суднинг ҳал қилув қарорига билан фуқаро У.Э. фойдасига солиқ инспекциясидан меҳнат дафтарчаси кечиктирилган кунлар учун жами 72 миллион сўм ўртача иш ҳақи ундирилди.

Мавлуда БОБОРАИМОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси
масъул ходими

Томирингиз сувга етган бўлса ҳам ТЕПАДА ХУДО БОР, ҚЎРҚИНГ!



ИНСОН ҳаётида, тақдирида жуда муҳим аҳамият касб этадиган даргоҳ бор, бу — ФҲДЁ. Одамлар уни хануз, “ЗАГС”, деб қўя қолишади. Аввалдан сингиб кетган атама-да, тилу дилда муштақам қотган тушунча. Майли, бугун бу қутлуг қадамжонинг қандай айтилаётгани ҳақида гаплашмаймиз, гап бошқа ёқда.

Ҳўш, бу жойни биз бемалол муқаддас, ҳатто инсоннинг руҳиятига, қалбига эзгулик улашадиган, кўнглини ёритадиган, мавриди келганда эса ёдига бу фоний дунёнинг ўткинчи эканлигини эслатиб, унинг хотирасини уйғотадиган маскан ҳам, деб билишимиз керак. Негами? Инсон фарзанди туғилганда шодлигу қувонч макони бўлиб унга гувоҳнома тутади. Бир инсон туғилади, ФҲДЁ уни расман тасдиқлайди, бу ҳаётда мавжудлигига гувоҳлик беради. Ўша ўғлон ё қиз вояга етиб тақдир аъмолини ўз жуфти билан боғлаган дамда эса никоҳ қоғозини беради. Бу ҳам инсон умридаги энг гўзал кун, энг фарахбахш лаҳза. ФҲДЁ ана шундай онларда сизу бизнинг қувончимизга шерик бўлади. Туғилдинг, яшадинг, турмуш қурдинг — борлигинг, бахт-саодатингга оқ йўл тилайди бу маскан. Бу дунё ўткинчи, фоний, тақдир азалнинг ёзиги эса барҳак. Инсон фарзандини сўнги йўлга қузатар чоғида ҳам шу масканга ишимиз тушади, беш кунлик дунёда, ҳаётинг интихосида ҳам ФҲДЁ гувоҳлик беради. Улим ҳақидаги ҳужжат расмийлаштирилади.

Қаранг, туғилиш, никоҳ, ўлим борасидаги гувоҳнома берадиган, бизнинг бу ҳаётда бору йўқлигимиз ҳақида гувоҳликка ўтадиган бу масканнинг муқаддас бир зиёратгоҳдай ёрқин гўша эканлигига шубҳа қилишимиз мумкинми? Гувоҳ, гувоҳлик, гувоҳнома, деган улуг сўзлар

Яратганнинг олдида қандай муборак ақидага эга бўлса, жамият қаршисида ҳам шундай муқаддас аҳамиятга эга. Ҳар икки тарафда ҳам бу сўзнинг масъулияти олам-жаҳон.

Энди, оғриқли бўлса ҳам муддаога кўчсак; шундай азиз даргоҳда, бу дунёга келарингда ҳам, кетарингда ҳам гувоҳлик берадиган, гувоҳлик идораси ходимининг ички ва ташқи олами ҳам ана шундай эзгуликка хосу мос, монанд бўлиши керак-ку! Аввало, Худо бериб шундай ардоқли идорада ишлаш насиб этган экан, одамларнинг қисмати билан боғлиқ заминий битикни адо этиш сенинг чекинга тушган экан, энг аввало, сенинг ўзинг бунга лойиқ бўлишинг керак, ҳа, Худонинг олдида ҳам, жамиятнинг олдида ҳам.

Афсус, бу идорани фақат маош олиб, кун ўтказиб, ўз хошимча ишлайвераман, менга ким нима дерди, гинг десалар, орқамдаги “тоғларимга” айтаман, томирим тегиб турган уммонларга шикоят қиламан, улар мени суяйди. Улар бор — барҳаётман, гуркираб ўсавераман, дейдиган кимсаю нусхалар ҳам мавжудлиги сир эмас. Одамларнинг норозилигига сабаб бўлаётган, ортиқча сансалорликни ўзларига эп қўриб, касб қилиб олганлар энди унутмасликларига керак, сиз айтган бемалоплўраччилик даври ўтди. Ҳалол ва пок бўлсангиз, ўша муқаддас ва қадри даргоҳга лойиқ бўлсангиз, ишлайсиз. Улуг адибимизнинг шоҳ асариде ёзилгани каби “Бу муқаддас даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак...” Сиз туфайли бу жойдан одамларнинг кўнгли ўқиб қайтиши энди мумкин эмас. Бу гап соҳанинг виждонли ва фидойи, жонқуяр, очиқдил вакилларига эмас, балки айрим калондиом, “боши осмон, зўр”ларига тегишли.

Шу ўринда бир воқеа ёдга

тушади. Қайсидир вилоятдаги туман ФҲДЁ мудираси ўзбошимчилик билан одамларни менсимай, вақтида қабул қилмай, уларнинг кутиб қолиши ва идора олдида тўпланиб гала-говур кўтаришига сабаб бўлади. Тўпланганлар орасида Адлия вазирлиги нашри, “Инсон ва қонун” газетаси мухбири ҳам бор эди. Мухбир ФҲДЁ бўлими мудирасига бундай муносабат, кишиларни ранжитиш нотўғри эканлигини, ҳатто тўлов учун одамлар бошқа жойдаги кассага-бориб овора бўлаётганини айтиди. Зум ўтмай таҳририят Бош муҳарририга бу воқеадан катта идорадагилар ҳам воқиф бўлганлиги, бебош мухбирни тийиб қўйиш лозимлигини айтиб, кўнгирак қилишади. Бу ҳам етмагандай соҳага тегишли вазирликдаги идора ходимлари ярим тунда яна кўнгирак қилишади. “Ходимингиз опадан бир узр сўраб қўйса бўларди, ҳар ҳолда катта идорадан акамиз бизга Сизлардан хафа бўлиб кўнгирак қилдилар, уларга айтишимиз керак...” Қани энди, гапга тушуниса. Охири Бош муҳаррирнинг ҳам тоқати тоқ бўлади: “Опанга ҳам... ўша аканга ҳам... мендан Салом айт!”

Шунақа гаплар. Матбуотни менсимаса, одамлар билан муомала инқадар бўлса, гинг десанг бошиндан маломат ёғдираман, деб туришса, бундай “опа” ёки “ака”ларнинг ахлоқ дунёсидан ёруғлик топиб бўлармикин? Адлия вазирлиги тўғри қилапти. Булар билан мурасасизликка ўтди.

Шу ўринда масаланинг икки жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Аввало, МДХ вазирликлари ичида биринчи бўлиб коррупцияга қарши халқаро сертификатни киритиш баробарида, адлия бу соҳадаги курашини бир зумга бўлса ҳам тўхтатгани йўқ, аксинча кучайтироқда.

Янги танловдан ўтган ходимани қузатувга олиш, эгри йўлга бош урса, аямасдан ишдан бўшатиш, бу “ишон, бироқ текшириб кўр” тамойили ишлаётганини ҳам кўрсатади.

Иккинчидан, ФҲДЁ идоралари 2018 йил февралдан 2020 йилнинг баҳорига қадар ҳокимиятларга бўйсундирилган эди. Бу даврда кўп мутахассисларнинг айтишича, тизимга жиддий шикаст етган, назоратсизлик, коррупция, таниш-билишчилик, қонунсизликларнинг авж олишига олиб келган. Президентнинг ўз вақтида бу тизимни Адлия вазирлиги тасарруфига қайтаргани тўғри қарор бўлди. Оёғи ердан узилган, ҳаром пуллар хулқини ҳам бузган мудираларнинг соҳада ишлашига нуқта қўйилмоқда. Яъни, ким бўлишидан қатъи назар, вазифасига нолойиқ бўлса ишдан олинмоқда. Ҳатто, ФҲДЁ органи ХОДИМИ коррупцияга қўл урса, раҳбари билан бирга ишдан бўшатишмоқда.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 514-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 6 октябрдаги “Туман (шаҳар) ФҲДЁ бўлимлари ходимларини навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш ҳақида”ги буйруғига асосан 2020 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ФҲДЁ бўлимлари ходимлари навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилган. Унга қўра, аттестациядан ўтказилган жами 473 нафар ходимнинг 208 нафари (44 нафар) эгаллаб турган лавозимига нолойиқ, 102 нафар (21 фоиз) эса ўз ишига шартли равишда лойиқ, деб топилган. Лавозимига шартли равишда лойиқ, деб топилган 102 нафар ходим 6 ойдан сўнг яна аттестациядан ўтиши белгиланди. Эътибор беринг-а, лавозимига нолойиқ, деб топилган мудир(а)лар сони 52 нафар,

инспектор ва иш юритувчилар сони 156 нафарни ташкил этади. Шундан меҳнат шартномаси бекор қилинган туман (шаҳар) ФҲДЁ бўлимлари мудир(а)лари сони 11 нафар, инспектор ва иш юритувчилар сони 70 нафардан иборат. Қолаверса, рейд (сирли мижоз) тадбирлари натижасига мувофиқ, 10 нафар ФҲДЁ бўлими мудирлари ҳамда 11 нафар инспектор ва иш юритувчилар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Бизнингча, ҳар бир вазирлик ва кўмиталар ҳам ўзини-ўзи шундай тозаламаса, коррупциядан қутулиб бўлмайди.

ФҲДЁ юқорида айтганимиздай ёруғ даргоҳ бўлиш лозим. Унда ишлаётган инсоннинг улуг адиб Чехов айтгани каби юзи ҳам, қалби ҳам, сўзи ҳам, кийими ҳам гўзал бўлиши керак. ФҲДЁ маънавий тугаллик маскани ҳамдир. Грузинларда келин-куёвга “Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон” китоби туҳфа этиларкан. Шундай экан, келгусида республикамиздаги ФҲДЁ бўлимлари томонидан ҳам ёш келин-куёвларга тарбиявий аҳамияти юксак бўлган бадиий китобларни соғва қилиш йўлга қўйилса, жуда яхши бўларди. Негаки, китобхон ота-онанинг ўз фарзандига ҳам бу олий фазилат ўтиши шубҳасиз. Яъни, адлия органлари китобхон авлодлар сафининг кенгайишига беқийёс ҳисса қўшган бўларди. Энг муҳими, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг тарғиб этилаётган китобхонлик гоёси ёшлар онгу шуурига янада чуқурроқ сингар эди.

Инсон ҳаёти ва тақдирига дахлдор идорада фақат пок, ҳалол, маънавияти юксак инсонлар ишласагина, бу идора халққа ҳам, жамиятга ҳам астойдил, кўнгилдагидай хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ДАРАХТЛАР

ОСМОННИ

суяб туради

КЕСМА!!!

Фуқаролар атроф-табiiй муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 50-модда.

Ўрмон юрти

Финландиянинг 70 фоизини ўрмонлар қоплаган. Бу Европада дарахт ва ўрмонга бой давлат саналади. Лекин ҳеч ким дарахтларни кесишга журъат этмайди.

Дарахтлар

Ҳозир планетамизда дарахтларнинг 60065 тури мавжуд.

Нефть дарахти

Бразилияда нефть дарахти ўсади. Унинг танасидаги суюқлик дизель ёқилғисидан асло фарқ қилмайди.



Ер юзига

Ер юзининг 38 миллион квадрат километрини ўрмонлар эгаллайди. Афсус, бу кенглик йилдан-йилга торайиб бормоқда.


Расуллулоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) умматларини кўчат ўтказиш ва экин экишга тарғиб қилганлар. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: **“Агар қиёмат бўлиб қолса ва биронтангизнинг кўлида хурмо дарахти кўчати бўлса, уни экиб қўйсин”** дедилар. (Имом Аҳмад ривояти)

Медаль таққан дарахтлар

ДУНЁНИНГ баъзи бир давлатларида дарахтларнинг танасига медаль осиб қўйишар экан. Мукофотлашади. Дарахтлар бизни офат ва кулфатлар — заҳар-зақумдан асрайди, деган маънода шундай қилишаркан.

Инсонларга ўхшайди

Дарахтлар ҳам инсонларга ўхшайди. Аччиқ-чучук мевалар беради.



Қотиллик

Гуллаган дарахтни кесиш ҳомиладор аёлни ўлдириш билан баробар, деб қаралади.

Осмонни нима суяйди?

“Дарахтлар осмонни суяб туради”, — дейди файласуф. — Агар дарахтлар бўлмаганда осмон ерга қапишиб қоларди”. Буни тушунган тушунади. Тушунмаган одамга эса гапиришининг фойдаси йўқ.




Ер шарининг ўпкаси

Агар ер юзига ўрмонлар бўлмаганда эди, сайёрамиз, ҳавосиз, ўлик сайёрага айланаркан. Ўрмонлар — ер шарининг ўпкаси экан.

Сут дарахти

Бу дарахт — жуда ғаройиб. Уни “бросиум” ёки “сигир дарахти”, деб ҳам аташади. Бугун уни Жанубий ва Марказий Америкада, шунингдек Осиё мамлакатларида ҳам учратиш мумкин. У 30 метргача ўсиши мумкин. Дарахт номининг ўзиёқ суюқлик ишлаб чиқаришини англатади. Бошқа ўсимликлардан фарқли равишда унинг сuti заҳарли эмас, аксинча фойдали ҳамда таъми ёқимли.

Ташқи жиҳатдан ушбу суюқлик худди сутга ўхшайди. Бироқ у куюқроқ ва ўзига хос ёқимли ҳидга эга. Олдиндан қайнатиб олинса, ҳатто жазирама иссиқда ҳам сут бир ҳафтагача ачимайди. Сут дарахти ҳақида билган илк европаликлар испан истилочилари эди. Улар соғиш мумкин бўлган ажойиб дарахт ҳақида сўзлаб юришган.



Дарахтнинг танаси кесилади, унинг тагига эса идиш қўйилади. Бир мартада 3-4 литргача сут йгиш мумкин.

Маҳаллий аборигенлар бундай шарбатни биз кўй ёки эчки сutiни ичгандек истеъмол қилишади. Бундан ташқари, ундан шам ва сақич ишлаб чиқариш учун мумолиш мумкин.

Миллион дарахтдан

Миллион туп дарахтдан 4 тонна қоғоз олинади.

Бир туп дарахт...

Саксон килограмм макулатурани қайта ишлаш эвазига 1 туп дарахтни асраб қолиш мумкин экан.

ҲАР БИР НАРСА

Ҳеч шак-шубҳа йўқки, ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асримизнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб турибди. Бу муаммо ўзининг инсониятга келтириши мумкин бўлган салбий оқибатлари бўйича ядро ҳалокатидан кам эмас.

“Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”.

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси 55-модда.

ЎЛЧОВ БИЛАН ЯРАТИЛГАН



бўладики, Аллоҳ таоло ер юзини яратиб, уни инсон учун яхши ҳаёт ўтказишга барча шароитлар

бор ҳолатга келтирган. Банд эса мазкур неъматларни кадрлаб, асраб-авайлаб, уларга зарар етказмасдан, Аллоҳ таоло яратган табиатдаги мувозанатни ва жиссликни бузмасдан улардан фойдаланмоғи лозим.

Қуръони карим ер юзиде фасод келиб чиқишининг асосий сабаби одамларнинг касби эканини қўйиладигача баён этади:

“Қилган амалларининг баъзисини тоттириш учун, одамлар қўллари касб қилган нарсалар туфайли қуруқликдаю денгизда фасод зоҳир бўлди. Шоядки, улар қайтсалар” (Рум сураси, 41-оят).

Бу оятда Аллоҳ таоло ер юзидеги бахтсизлик ва нохушликлар одамларнинг фаолиятлари билан боғлиқ равишда зоҳир бўлишини баён қилмоқда. Уларнинг қалб ва фикрлари нопок бўлса, қилган ишларининг оқибати ҳалокатли бўлажак. Лекин бу фасоднинг ёмон натижалари инсоннинг ўзига етади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло мазкур оятда:

“Қилган амалларининг баъзисини тоттириш учун...” деяпти.

Шу билан бирга Аллоҳнинг раҳмати буюк. У Зот Ўз бандаларига меҳрибон бўлганидан уларга ўз вақтида тавба қилиш ва тўғри йўлга тушиб олишга имкон бериб, оятнинг сўнггида:

“Шоядки, улар қайтсалар”, дедик.

Инсоннинг бу дунёдаги масъулияти ҳақида кўпгина Ҳадис шарифлар ҳам ворид бўлган, улардан бирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бас, ҳаммангиз масъулдирсиз ва барчангиз ўз масъулиятингиздан сўралурсиз”, дейдилар.

Бу қисқа сўзларда олам-олам маъно бўлиб, улар инсонларнинг юқорида зикр қилинган вазифасини ҳамда ер юзиде тинчлик ва омонлик бўлиши учун Аллоҳнинг олдидаги масъулиятини ўзида мужассамлаштирган.


Аллоҳ яратган нарсаларни ҳалок этиб, йўқ қилаётганларни эса ислом “фасодчилар” деб атайди. Бу ҳақда:

“Ва бурилиб кетгандан ер юзиде фасод учун ва экин ва наслин ҳалок қилиш учун ҳаракат этадир.

Ва ҳолбуки, Аллоҳ фасодни ҳуш кўрмас”, дейилган (Бақара сураси, 205-оят).

Бу икки олам – ўсимликлар олами ва ҳайвонотлар олами исломда инсон учун энг зарур бўлган нарсалар ҳисобланади. Кимки буларга зарар етказса, инсониятга зиён етказган бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда ер юзидеги барча нарсаларга, жумладан, ҳайвонот дунёсига қандай муносабатда бўлиш лозимлигини муфассал баён қилиб берган. Кўпгина оятлар мусулмонларга Аллоҳ таолонинг ҳайвонот оламини яратиш мақсадини тушунтириб беради. Уларни ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга ва ўрганишга даъват қилади. Қуръони карим ҳайвонот дунёсини инсон қандай



фойда олиши мумкинлигини, жонзотларни қай тарзда тарбия қилиш кераклигини уқтиради; арзимас туолган, оддий жониворларда учрайдиган илохий қудратни кўриш ва ундан ибрат олишга чақиради.

Қуръони каримнинг Бақара, Аъом, Фил, Намл, Наҳл каби бир неча суралари ҳайвонлар номи билан аталади. Ушбу суралар номларини ўз тилимизга таржима қилганидан бўлсак, “сиғир”, “чорва ҳайвонлари”, “фил”, “чумоли”, “асалари”, деган маънолар келиб чиқади.

Аллоҳ Китобида барча жонзотлар инсонлар каби “уммат” эканлиги таъкидланади. Айнан шу таъкид инсонни ўзи каби уммат бўлган барча жониворларга нисбатан меҳрибон бўлишга ундайди. Бу хусусда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“Ер юзидеги ҳар бир юрвучи жонзот ва икки қаноти ила учувчи куш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир” (Аъом сураси, 38-оят).

Агар ҳайвонларнинг ҳар бир тури ёки оилалари алоҳида уммат ҳисобланса, айнан шу ҳукм билан улар бошқа умматлар орасида яшаш ҳаққига эга бўладилар.

Имом Абу Довуд ва Имом Термизийлар Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилган Ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар итлар умматлардан бир уммат бўлмаганида, албатта, уларнинг ҳаммасини ўлдиршига амр қилар эдим”, деганлар.

Шунингдек, Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган Ҳадисларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бир чумоли набийлардан бирини чақиб олди. Бас, у чумолилар кишлоғи ҳақида амр қилди. У қуйдириб юборилди. Шунда Аллоҳ у (набий) га ваҳий қилиб: “Сени бир чумоли чаққани учун тасбеҳ айтиб турган умматлардан бир умматни ҳалок қилдингми?!“ деди”, дейдилар.

Қуръони каримнинг кўпгина оятларида “Ҳайвонлар нега яратилди?” деган саволга жавоб бор. Масалан:

“Албатта, сиз учун чорва ҳайвонларида ибрат бордир. Сизни уларнинг қоринларидаги нарса ила сўғорурмиз ва сиз учун уларда кўпгина манфаатлар бор ва улардан ерсизлар. Ва уларга ва келарларга юкланурсиз” (Мўминун сураси, 21–22-оятлар).

Келтирилган оятларда “ейиш-ичиш”, “исиниш”, “юкларни ташини” каби ҳайвонлардан олинмайдиган фойдалар ва кишиларнинг жониворлар чиройидан роҳатланиши ҳақида сўз кетади. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ҳайвонларни инсонларга фойда келтирадиган неъматлар қилиб яратди. Шу боисдан бандалар бу неъматлар учун Парвардигорларига шукр қилиб, ўзларига зарур бўлган ҳайвонот дунёсига эҳтиёткорона ёндашишлари, уларни кўриқлашлари ва сақлашлари лозим.

Шукр қилиш эса икки йўл билан бўлади. Биринчиси – бундай неъматларни ато этган Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиш бўлса, иккинчиси – У Зот берган неъматлардан фойдаланишда Унинг кўрсатмалари бўйича иш юритишдир.

Исломда ҳайвонот оламига ҳеч қандай зарар етказиш мумкин эмаслиги қаттиқ таъкидланади. Имом Муслим Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган Ҳадисда айтилишича, Набий алайҳиссалом олдилардан юзига тамга босилган эшак олиб ўтирди. Шунда у зот: “Менинг ҳайвонлар юзига тамга

босган ва уларнинг юзига урганларни лаянлатганим сизларга етмаган эдимми?!“ дедилар.

Бошқа бир Ҳадисда унинг ровийси Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу шундай дейдилар: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдик. Мен ўз ҳолатимга бориб, бир чумчукни икки боласи билан кўрдим ва унинг болаларини олдим. Шунда чумчук келиб, гирдиқапалак бўлиб уча бошлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етиб келдилар: “Буни ким боласи туфайли фожеага учратди? Унга боласини қайтариб беринглар”, дедилар.”

Кўрииб турибдики, Ислом ҳайвонларнинг барчасига алоҳида меҳрибонлик билан ёндашади. Динимиз жонзотларни мақсадсиз ўлдирдишликни қатта гуноҳ ҳисоблаб, қатъиян ман қилади. Чунки Аллоҳ ҳайвонларни инсонлар фойдаси учун яратган. Парвардигоримиз яратган жониворларни беҳуда ўлдирдиш гуноҳдир. Унинг неъматларига нисбатан ноқўрликдир.

Имом Насайи Аш-Шурайда розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда: “Мен Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Кимки чумчукни сабабсиз ўлдирса, қиёмат куни Аллоҳга “Эй Роббим, фалончи мени манфаат учун эмас, ўйнаб ўлдирди”, деб шикоят қилади”, деганларини эшитдим”, дейилган.



Исломдаги ҳайвонларга меҳрибонлик ва яхши муносабат фақат улардан инсонларга етадиган манфаат билан боғлиқ эмас, балки мусулмонлар барча ҳайвонот оламига, ҳатто инсон улардан бу дунёда ҳеч қандай манфаат кутмасам ҳам, яхши муносабатда бўлишга буюрилган.

Аллоҳ таоло бизларни инсонлар учун яратган махлуқотларига гўзал одоб-ахлоқ ила муомала қилишга муяссар этсин. Зеро, У Зот ҳар бир нарсасга қолдирди.

Абдусамат ТОЖИДИНОВ,
Бухоро шаҳридаги Мир Араб
мадрасаси мударрис

Албатта, технология соҳасидаги тараққиёт, янги энергия манбаларининг кашф этилиши, янги маъданлар ва кимёвий моддаларнинг пайдо бўлиши, оқибатини ўйламай, табиатдаги жараёнларга аралашув каби ҳолатларнинг барчаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ниҳоятда ташвишли вазиятни вужудга келтирди.

Табиийки, мазкур муаммо бутун оламдаги юз миллионлаб мусулмонларни ҳам, Ислом уламоларини ҳам ташвишга солмоқда ва улар бу муаммоларни ҳал қилишда Қуръони карим оятларига ҳамда Ислом таълимотларига мурожаат қилишмоқда.

Барчага маълумки, Аллоҳ таоло оламини ажойиб аниқлик ила, ўзаро боғлиқ ҳолда ҳамда ундаги махлуқотларнинг хусусиятлари, сифатлари, таркиблари, аъзадларини ниҳоятда гўзал ва ҳикматли қилиб яратган. Ҳар бир яратилган нарса ўзининг бетакрор тартибига эга. Ҳар битта нарсанинг Аллоҳ таоло тарафидан ўзига хос замон ва маконда яратилиши белгилаб қўйилган.

Бу ҳақда Қуръони каримда жуда кўп оятлар ноил этилган бўлиб, жумладан, Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик” (Қамар сураси, 49-оят);

“...ҳар бир нарсани ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир” (Фурқон сураси, 2-оят).

Бошқача айтганда, дунёдаги ҳар бир нарса: сув ҳам, ер ҳам, ҳаво ҳам, тоғ ҳам, ҳайвонот ҳам, наботот ҳам Аллоҳ таоло томонидан ўлчов билан ва бир-бирига боғлиқ қилиб яратилган.

Яна шу нарса ҳам маълумки, Аллоҳ таоло яратган бу олам инсонга бўйсунмайдиган қилиб қўйилгандир.

Аллоҳ таоло инсонни дунёни асрашга, У Зотнинг неъматларидан манфаат олишга, уларни ҳалок этмасликка, яхшилик йўлида фойдаланиш ва ёмонликка ишлатмасликка буюрган:

“Ва ислоҳ қилингандан кейин ер юзиде фасод келтирман...” (Аъроф сураси, 56-оят).

Бу оятни қаримдан маълум

ШУ йилнинг бошида Хоразм вилоят адлия бошқармаси 2020 йил мобайнида 180 нафар кишини маъмурий, яна 2 кишини жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ўртага қўйилганлигини кўпчиликка маълум қилди. Жазо — ҳолва ҳам, ҳаловат ҳам эмас. Шу боиски, уни бировларга раво кўрмаймиз. Аммо минг афсус. Бу борадаги ўй-фикрларимиз барибир ноўрин ва уни ўзгалар дилига озор етказишни хушламайдиган аксарият кишилар яхши билишади. Бундан чиқди, масаланинг ўзга жиҳати ҳам бор: ўринли ва асосли жазо айтилган пайтда адолат ва одилликнинг ҳам намунаси. Жазога дастак қилиб кўрсатилган омишлар, важ ва далиллар, айниқса, қонун сўровига рўпара келган шахсларнинг “хурмача қилиқ”ларидан озор чеканларнинг дилдарди қўлланилган таъсирий чорани қонун тарозусида адл тортиш имконини беради. Аксарият ҳолларда шундай манзарага дуч келасиз: якка бир киши ноҳақдан-ноҳақ ўн кишининг дилини жароҳатлайди, ҳақ-ҳуқуқларини топтаб, қонуний манфаатларига зиён етказиши ёхуд у ёки бу идора иш фаолиятига чанг солади.



Амалда 12 соат қоғозда эса 8 соат

Ана шундай дилхиралликларнинг бири ўтган йили Кўшкўпир туманида рўй берди. Туман Тиббиёт бирлашмасининг 15 нафар ходими юртимизга коронавирус балоси кириб келганида унга қарши олиб борилган ҳаёт-мамот курашида фаол иштирок этди. Машум хасталиқни жоловлаш учун ҳар бири кунига 12 соат давомида тер тўкиб меҳнат қилди. Бирок мазкур бирлашма мутасаддилари ношукрлик қилишди. 15 нафар ходимнинг ҳар бири кунига 12 соат тинимсиз ишласа-да, уни қоғозда 8 соат қилиб кўрсатишди. Бу иш бирлашма раҳбарининг 2020 йил 20 июлдаги буйруғи асосида амалга оширилди. Ана шундан кейин “қорнимга эмас, қадримга йнғайман” қабилдаги воқеалар юз берди. Меҳнати қадр топмаган ходимлар мадад истаб, адлия идорасига юқинишди. Фактлар машум касалликка қарши фаол курашганлар ҳақ, уларнинг меҳнатини менсиманган, амалдаги 12 соатлик иш кунини қоғозга 8 соат тарзида қайд қилганлар эса ноҳақ эканлигини кўрсатди. Шундан сўнг бир йўла 15 нафар шифокорга аввалбошданоқ тўланиши лозим бўлган ва масъулларнинг айби билан чегириб қўлинган жами 235,4 миллион сўм пул ходимларга ундириб берилди.

Буёғи қандоқ бўлди, ЁШУЛЛИЛАР?

Ҳўш, бунинг учун кимни оқлаш-у, кимни айбламоқ даркор? Бу сингари ҳолларда жазо олганнинг кўнглини оғритишибди, унга жабр қилишибди, бу иш адолатдан бўлмабди, қабилидаги ўй-андишаларни дастаклаш жоизмикан?

Яра таг-томири билан кесиб олинсагина газак олмайди, иллатга дўнмайди. Қилмишлар ҳам шундай: жазо — унга қарши курашнинг таъсирчан ва самарали чораси сифатида қонун тарафидан ҳам, виждон, иймон-этиқод тарафидан ҳам аллақачон эътироф этилган. Масаланинг бу жиҳати назарда тутилса, ўтган йили вилоят адлия бошқармаси ва адлия бўлимлари тарафидан 43 минг 641 та

жузъий ва жиддий қонунбузилиш ҳолати бартараф қилинганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу каби чора-тадбирлар асосида қанчадан-қанча иллатлар барҳам топиб, қусур ва нуқсонлар ўрнини кўпдан-кўп

хайру-саваб амаллар, қувонса арзигулик ютуқлар, марралар эгаллагани таҳсинга лойиқ.

Ҳужжатлардаги қусур ниманинг оқибати?

Маҳаллий ҳокимият органлари тарафидан қабул қилинаётган қарор ва бошқа муҳим ҳужжатлар ижтимоий, иқтисодий турмушнинг энг муҳим жиҳатларини қамраб олиш билан бирга ўзига хос раванқ омили ҳам эканлиги кўпчиликка яхши аён. Бундай ҳужжатлар ҳуқуқий ва мантиқий жиҳатдан пухта, пишиқ, мукамал ва етти ўлчаб бир кесилган ҳолда тайёрланмоғи, пировардида эса бир ёки бир неча шахс ёхуд субъектга эмас, барчага, ҳатто қарама-қарши маррани эгаллаганларга ҳам бирдай наф келтирмоғи даркор. Амалдаги тартиб-таомилларга кўра бундай мақомдаги ҳужжат-



ларнинг лойиҳалари даставвал ҳуқуқий экспертиза учун адлия бўлимларига тақдим этилади. Ўтган йили ана шу қоида асосида шахар ва туман ҳокимларининг 86 та қарори кўриб чиқилди. Бу жараёнда мазкур ҳужжатларнинг 11 тасидан қусур чиқди. Амалдаги қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ эмаслиги боис ушбу лойиҳаларни расмий ҳужжат сифатида қабул қилиш масаласи очиқ қолди. Аммо бу билан чекланилмади. Маромида пишитилмаган шу сингари хом ҳужжатлар пайдо бўлиши ва қонунчилик меъёрлари бузилишининг олдини олиш мақсадида йил давомида тегишли идора ва ташкилотларга жами 533 та таклифни ўз ичига олган расмий мурожаатнома юборилди.

Арз ва арзбозликлар қачон камаяди?

Алоҳида уқдириш зарурки, арз ва шикоятлар, талаб, сўров ва таклифларнинг кўпайишидан чўчимаслик зарур. Улар ўз фурсатида юзага қалқиб чиқса ва амалда ўз ечимини пайсалмасдан топсагина йўлимиз тўсиқлардан тозаланади. Турли тўсиқлардан холи йўлда эса сокинлик, осудалик, осойишталик ҳукм суради. Бундай вазиятда эса арз ва арзбозликлар кўпаймайди, аксинча камаяди. Поёнига етган йилда ҳаётнинг ана шу мантиғига суянилади. Асосий эътибор, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг қонуний, адолатли ва холисона ечимига қаратилди. Бу жараёнда бевосита адлия бўлимларига йўлланган 3 минг 628 та, сайёр ва шахсий қабуллар чоғи келиб тушган 2 минг 145 та, Халқ қабулхоналари орқали кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш учун юборилган 445 та муро-

жаатнинг 4 минг 274 таси, яъни 60 фоиздан кўпроги қаноатлантирилди. Бу бир тарафдан ана шунча миқдор иқир-чикирларни умум йўлидан суриб чиқариш, қонунчилик тантанасини таъминлаш, қусурлар, нуқсонлар ўрнини ундан холи бўлган ҳолат ва омишларни вужудга келтириш имконини яратган ва шу аснода турмушнинг галдаги тараққиётга эшик очган бўлса, иккинчи тарафдан, янги арзбозлик-шикоятбозликларга “масаллик” бўлувчи иқир-чикирларнинг олдини олиш, пайини қирқиш гаровига айланди.

Ҳукмингизга ҳавола этилган факт ва ҳолатлар адлия тизими ҳамиша халқ хизматига, унинг ижтимоий-иқтисодий турмуши, ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоялаш йўлида эканидан далолат беради. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан 332 та мурожаат келиб тушди. Унинг 44 таси ерга оид қонун ҳужжати, 12 таси солиқ масаласи, 9 таси прокуратура органлари фаолияти, 7 таси суд қарори, 6 таси банк соҳаси, 5 таси уй-жой муаммолари ва яна шунчаси давлат хизматларига дахлдор бўлиб чиқди. Адлия ходимлари халқ сўзи — ҳақ сўз, деган нақл ва ақидага амал қилишади. Бунинг исботи ўлароқ, ўтган йили биргина ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан уюштирилган ўрганиш яқуни бўйича тегишли идора ва ташкилотларга 882 та тақдимнома йўлланди. Унга асосан фуқароларга жами 7,45 миллиард сўм миқдоридagi пул маблағи ундириб берилди. Қонун талаблари бузилишига изн бермаслик юзасидан 2 минг 863 та огоҳнома расмийлаштирилди, масъул-мансабдор шахсларнинг 2 нафари жиноий, 180 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Умум манфаатларига хилоф бўлиб чиққан 2 минг 828 та расмий ҳужжат бекор қилиниб, 385 нафар мансабдор интизомий жазога тортилди, 16 киши ўз лавозимидан озод қилинди. Адлия идоралари тара-

фидан судларга ҳавола этилган 721 та даъво аризасига мувофиқ жами 2,8 миллиард сўмлик пул маблағи зиён кўрган тараф — жисмоний ва юридик шахсларга ундириб берилди. Буларнинг бари — адолат намунаси сифатида намоён бўлди. Айб учун берилган жазо ҳам ўринли. Инсон дарди-ташвишига сабабчи бўлганлар ўз қилмишининг ҳисобини берар, жазосини олар экан, буни чиндан ҳам адолат ва одиллик мезони сифатида эътироф этмоқ даркор.

Шу аснода Хонқа туманидаги “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғинида ўз вазифасига қайта тикланган Г.Сапаева, иختисослаштирилган тиббиёт муассасасида жарроҳлик амалиёти бўйича даволаниш истагида йўлланма сўраб мурожаат қилган ва талаби қондирилган Янгибозор тумани “Навбахор” маҳалласида яшовчи Д.Болтаева, имтиёзли солиқ тўловчи мақомини бир неча ойлик танаффусдан сўнг яна қўлга киритган II-гурӯх ногирони, Тупроққалъа тумани “Пасттом” маҳалласида истиқомат қилувчи К.Қўличев ва бошқалар қалбидаги мамнунлик ҳисси, рози-ризалик аломати уларга мадад қўлини чўзган адлия ходимлари қалбига ҳам қувонч ва шодлик ҳисларини бағишлади. Бу сингари хайру саваб ишлар, саъй-ҳаракатлар қўлами амалдаги йилда янада ортади. Бу, ўз навбатида, қонунчилигимиз тантанасига хизмат қилади. Қонунлари тантана қилган юртинг толеи ҳамиша сарбаланд бўлади.

Нодир ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари,
Абдулла СОБИРОВ,
журналист



СУД-ФИЛОЛОГИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ НИМАНИ АНИҚЛАЙДИ?

МАЪЛУМКИ, фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали узатиладиган кўрсатув ёхуд эшиттиришлар (турдош ҳуқуқлар)дан фойдаланишга оид муносабатлар, хусусан, муаллифни аниқлаш экспертизаси Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

Албатта, муаллифни аниқлаш экспертизаси суд-филология экспертизасининг бир йўналиши

бўлиб, мунозарали вазиятларда муаллифни аниқлаш мақсадида ёзма нутқини ўрганиш учун махсус билимлар зарур бўлганда қўлланилади. Мазкур экспертизага филология соҳасидаги мутахассислар жалб қилинади. Бундан кўзланган мақсад — ўрганилаётган ёзма нутқнинг муаллифини тақдим этилган объект, намуна, иш ҳужжатлари асосида аниқлашдан иборат. Шу боис бир ёки бир неча матннинг муаллифларини аниқлаш, матн ижросини унинг муаллифи ҳам эканини аниқлаш суд-филология

(муаллифшунослик) экспертизасининг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Муаллифшунос эксперт (филолог) олдига қўйилган масалани ҳал этишда матнда акс этган муаллифга хос нутқий белгиларни тадқиқ этиш орқали олинган махсус билимлардан фойдаланади. Бунда эксперт шахсининг нутқий салоҳиятини идентификациялаш ва тахшиш қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган хусусиятлари мажмуасининг индивидуаллик ва ўзига хослигига асосланади. Экспертиза усулларининг бутун мажмуи бу хусусиятларни ёритишга, уларни тавсифлашга ва таққослашга қаратилган бўлади. Бу турдаги экспертиза эса криминалистик экспертизаларнинг мураккаб турларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда матн муаллифини аниқлашга оид экспертизага бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

Муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида адабий, драма ва сценарий асарлари, матнли ва матнсиз мусиқа, мусиқали драма, хореография асарлари ҳамда пантомималар, аудио-визуал асарлар, рангтасвир, хай-калтарошлик, графика, дизайн ва тасвирий санъатнинг бошқа

асарлари, манзарали-амалий ва саҳна беағи санъати, архитектура, шаҳарсозлик, боғ-парк барпо этиш санъати асарлари, фотография, фотографияга ухшаш усулларда яратилган асарлар, жўрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли шарҳлар, эскизлар ва асарлар ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, муаллифшунослик экспертизалари хорижий эксперт муассасаларида фуқаро ва жисмоний шахсларнинг муаллифлик ҳамда турдош ҳуқуқларини, обрў-этиборини, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги фуқаролик даъволарини қўриб чиқишда қўлланилади.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси марказининг ҳужжатлар криминалистик экспертизаси лабораториясида суд-филология (муаллифшунослик) экспертизасига оид тадқиқотлар жараёнида "А" тақдим этилган ёзма матнлар муаллифими?", "Қим матн муаллифи — А**, Б**, ёки В**", "Матнлар — "... "..." "..." нинг муаллифи бир кишими?" каби саволларга жавоб бериш муҳим вазифа саналади.

Бугунги ижтимоий ривожланиш босқичида суд филологик экспертизаси жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ўз ўрнига эга. Хусусан, бир неча муаллиф томонидан даъво қилинаётган асарнинг айнан қайси муаллиф қаламига мансублигини аниқлашда мазкур экспертиза муҳим ўрин тутаяди. Қолаверса, шахсининг интеллектуал мулк эгаси сифатидаги ҳуқуқларини қафолатлашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Сир эмаски, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар кундалик ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурди, десак хато бўлмайдими. Албатта, бунинг ижобий ва салбий жиҳатлари бисёр. Бинобарин, марказ экспертлари томонидан келгусида экспертизани янги тури — ижтимоий тармоқларда муаллифни аниқлашга доир тадқиқотларни янада ривожлантириш бўйича иланишлар олиб борилювди.

Наргиза НИШАНОВА,
Республика суд экспертизаси марказининг давлат суд эксперти, **Нилуфар НАЖМИДДИНОВА,** иш ўрганувчи эксперт

ЭКСПЕРТИЗА ТАДҚИҚОТЛАРИ ҚАНЧА МУДДАТДА ВА ҚАЙ ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ?

ХАДИЧА Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази экспертизаларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 2 мартда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида"ги йўриқнома талаблари асосида ўтказаяди.

Унга биноан, суд экспертизасини ўтказиш муддатлари суд экспертизасининг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўттиз кун доирасида белгиланади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, белгиланган ўттиз кунлик муддат қачондан бошланади?

Тилга олинган йўриқноманинг 13-бандига мувофиқ, суд экспертизасини ўтказиш муддатлари материаллар экспертиза муассасасига тушган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади ва улар экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд экспертизасини тайинлаган органга

(шахсга) юборилган кунда тугайди. Шу билан бирга, суд экспертизасини ўтказиш муддатлари суд экспертизасининг суд экспертизасига тақдим этилган материаллардаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги илтимосномани қондириш ёки илтимосномани қондиришининг рад этилиши тўғрисида жавоб олиш, суд экспертизасини ўтказишни ўттиз кунгача бўлган муддатда бажариш мумкин бўлмаган тақдирда уни ўтказиш муддатларини келишиб олиш, суд экспертизасининг бошқа суд экспертизасини бажариши муносабати билан хизмат сафарига бўлиши, уни бажаришни бошқа суд экспертига топшириш мумкин бўлмаган тақдирда, суд экспертизасининг вақтинчалик меҳнатга раёқтасизлиги, суд экспертизасини бажаришни бошқа суд экспертига топшириш мумкин бўлмаган тақдирда тўхтатиб турилади.

Дарвоқе, йўриқноманинг 5-бандига асосан, суд эксперти суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объекти тақдим

этилиши ҳақида илтимосномалар бериш ҳуқуқига эга. Шунингдек, экспертиза муассасасида фуқаролик ва иқтисодий ишлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари) бўйича суд экспертизаси ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатларни амалга ошириш иш бўйича томонларга юкланади ва суд экспертизасини ўтказиш бошлангунча тўланади.

Бугунги кунда экспертиза ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатларга ҳақ тўлаш миқдори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2018 йил 31 октябрдаги "Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида пуллик экспертизалар ва бошқа махсус тадқиқотлар бўйича таърифларни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғида белгиланган таърифлар асосида амалга оширилувди. Шундай экан, экспертлар томонидан объектиларни кўздан кечиришни ташкиллаштириш, белгиланган миқдордаги тўловни амалга ошириш (агарда қонун ҳужжатларида тўлов амалга оширилиши белгиланган

бўлса) бўйича ҳам илтимосномалар берилиши мумкин. Демак, эксперт томонидан экспертиза тайинлаган органга юборилган илтимоснома тўлиқ қаноатлантирилгандан кейингина белгиланган 30 кунлик муддат бошланади ва ушбу муддат ичида экспертиза тадқиқотлари ўтказилиб, тегишли хулоса берилади.

Булардан ташқари, юқоридаги йўриқноманинг 12-бандига биноан, суд экспертизасини ўтказишни ўттиз кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари муддат ўтишидан уч кун олдин асосланган хулоса тузади ва бу тўғрисида суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёзма равишда хабар қилади ҳамда улар келишган ҳолда қўшимча муддатни белгилайди.

Алишер МАМАТОВ,
Республика суд экспертизаси маркази бош мутахассиси, **Элбек РАЖАБОВ,** иш ўрганувчи эксперти

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 22 январдаги 1/2021-сон йиғилиши баённомаси ҳамда Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 22 декабрдаги 1-Н-ум-сон буйруғига асосан Бўстонлик туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Халлова Gulnara Sirajiddinovna Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2020 йил 22 апрелда берилган TS 0052 рақамли хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 23 январдан 2021 йил 6 февралга қадар 15 кун муддатга тўхтатилади.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 22 январдаги 2/2021-сон йиғилиши баённомаси ҳамда Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 22 январ-

даги 2-Н-ум-сон буйруғига асосан Олмалик шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Isakjonova Gulal Turdalievna Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2020 йил 21 апрелда берилган TS 0034 рақамли хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 27 январдан 2021 йил 10 февралга қадар 15 кун муддатга тўхтатилади.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг жорий йил 28 январдаги буйруғига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 29 декабрда адвокат Эшқобилова Мохира Нормуратовнага берилган KS 000293-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси то-

монидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқармининг 2021 йил 28 январдаги буйруғига асосан "Vikhana online advokat" адвокатлик фирмаси адвокати Жўраев Усмон Султоновичнинг (лицензия 25.12.2018, ВН №000028 адвокатлик гувоҳномаси №028, 25.12.2018 й.) вафот этганилиги муносабати билан унинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан "Solidarity" адвокатлар ҳайъати адвокати Душаев Мадам Махсудовичга бошқарма томонидан 24.12.2018 йилда берилган NA 000028-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда унинг адвокатлик мақоми Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура

тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасига асосан тугатилди.

Навотий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 27 январдаги 19-ум-сонли буйруғига асосан талабгор Джўраев Илхом Хайитовичга ҳамда 20-ум-сонли буйруғига асосан талабгор Норбутов Фарход Гуломовичга малака имтиҳонини топширганлиги сабабли маъмурий ва жиноий суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд шаҳрида жойлашган МАДАД ШАФҚАТ адвокатлик фирмасининг адвокати Хамраев Суҳроб Ибрагимович вафот этганлиги сабабли бошқарманинг 2020 йил 24 декабрдаги 345-ум-сон

буйруғига асосан унинг номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2020 йил 4 сентябрда берилган SA 000439-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази жамоаси марказининг Самарқанд вилояти бўлими етакчи эксперти

Рашид АБАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Инсон ва ҚОНУН
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
"Адолат" миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри
www.minjustuz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
руқхатга олинган
1538 2010-7897
97720107897008

Бош муҳаррир
Кўчор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Раёв Шеразд Миржалилович
Тожиёв Фуркат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган
қўлёзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Набатчи
Маруза Ҳосилова
**Саҳифаловчи-
дизайнер**
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навотий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 4336
Буюртма — V-4546

Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 20:30

МАНЗИЛИМИЗ:
100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97
Обуна бўлими: 277-02-57
Баҳоси келишилган нарҳда
1 2 3 4 5

ТАЪЛИМНИНГ

МАЪЛУМКИ, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таълим тизими равнақида, хусусан, мактабга-ча таълим тараққиётига қаратаётган юксак эътибори халқро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Бунга минглаб мисолларни келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, республикамизда бу борадаги янгиликлар ва кенг қўлмали ислохотлар улуг аллома Абдулла Авлонийнинг "Алҳосил тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат ва ё фалокат масаласидир" деган пурҳикмат ўқитлари кундалик ҳаётимизда ўз ифодасини топаётганини кўрсатмоқда.



ИЛК ЎЧОҒИ



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир. Бинобарин, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси боланинг уч-тўрт ёшида мужассам бўладиган қобилият ва иқтидорини илғай олиши ҳамда уни тарбиялаб, шакллантириши зарур. Энг муҳими, Юртбошимиз мутасаддиларга болаларни мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олишни устувор вазифа сифатида белгилаб берган.

— Туманимиз аҳолиси асосан қишлоқ ва тоғолди ҳудудларида истиқомат қилади. Шу боис ҳам биз йилдан-йилга 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни тўлиқ мактабгача таълимга қамраб олишни бош мақсад қилиб олганмиз. Айтилик, 2017 йил-

гача туманимизда мактабгача таълимга қамров бор-йўғи 19,6 фоизни ташкил қилган бўлса, бугунга келиб айна кўрсаткич салкам юз фоизга етди. Боғчаларнинг ташқи қиёфаси, машғуллот хоналари, мусиқа заллари ва ётоқхоналар ҳам киши кўзини қувонтиради, — дейди Иштихон тумани мактабгача таълим бўлими мудири Гулчехра Саидмуратова. — Тўғри, илгари ҳам чекка ҳудудларда боғчалар фаолият юритган. Аммо аксарият ота-оналар мактабгача таълим муассасасини кундузи ишга кетганда болани кун бўйи олиб ўтирадиган жой дея қабул қилган. Бугун эса умуман дунёқараш бошқача. Яъни ота-оналар, бобо ва бувилар кичкинтойларнинг

муассасада турли билимларни, хорижий тилларни ўрганаётганидан мамнун бўлмоқда.

Бўлим мудирининг таъкидлашича, айна пайтда нафақат мактабгача таълим ташкилотида, балки туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда мактаблар ва тумандаги педагогика коллежидида 3-7 ёшли болалар учун бепул тайёрлов гуруҳлари ташкил этилган. Бундан ташқари, туманда 120 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ҳам ўз фаолиятини бошлаган.

— Яна бир нарсага эътибор қаратишимизни истардим, — сўзини давом эттиради Г.Саидмуратова. — Бугун туманимиз марказидан анча олис, дашт ва тоғолди ҳудудларида жойлаш-

ган муассасалар сони ўттизга яқин. Бироқ мазкур боғчаларда ҳам яратилган шарт-шароитлар шаҳардагидан қолишмайди. Айниқса, инглиз, ва рус тилларини ўргатиш, мусиқа ва турли спорт тўғрисидаги фаолияти таҳсинга лойиқ. Бунинг учун эса тажрибали ўқитувчилар ва мураббийларни ишга жалб қилганмиз. Энг эътиборлиси, туманимизда ойига бир мартаба "Тарбиячилар беллашуви"ни ташкил этганмизки, бу тарбиячи ва мураббийларимизнинг билими, тажрибаси ҳамда дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Шу маънода айтганда, 3-мактабгача таълим ташкилоти инглиз тили ўқитувчиси Сарвиноз Абдураззоқова ҳамда

5-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари Ҳидоят Завқиева ва Гуллола Пардаеваларнинг иш тажрибаси туманимиз бўйича оммалаштирилди. Шунингдек, бошқа муассасаларда меҳнат қилувчи намунали тарбиячилар — Раъно Камолова, Шаҳзода Абдукамолова ва Шаҳноза Ибодоваларнинг фидоийлиги ҳам кўп сонли ота-оналарнинг олқишига сазовор бўлди.

Албатта, бугун Давлатимиз раҳбарининг тизим ходимлари, тарбиячиларидан умиди катта. Шундай экан, мудира-ю, боғча опалар Президентимизнинг, халқимизнинг юксак ишончини оқлашлари шарт.

Азим ҚОДИРОВ,
 журналист

Сўраган эдингиз

— Уй сотиб олмоқчи-ман. Олди-сотди шартномасини тузишда уйда пропискада бўлган уй эгасининг Россияга ишлаш учун кетган келини келиши шартми? Келиннинг Россияга кетганлигини исботловчи бирор ҳужжат талаб этиладими?

— Келин доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган уйнинг сотилаётганлигидан хабардорлиги ва ушбу уйдан пропискadan чиқиш мажбуриятини олувчи нотариал тасдиқланган ариза (асл нусхасини) юбориши керак.

— АГАР уйнинг бир қисми ҳада этилса, шу ҳада этилган қисмига акам ўз фарзандларини пропискага қўйиши мумкинми?

— Сиз уйнинг бир қисмини акангизга ҳада қилсангиз, унинг мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтганидан кейин уйнинг мулкдори акангиз ҳисобланади ва акангиз кимни пропискага қўйишга рози бўлса, ўша шахслар прописка қилинади.

Саволларга Шаҳрисабз шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Дилноза ХАЙРУЛЛАЕВА жавоб берди.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТ ТАНТАНАСИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2020 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишда янги саҳифаларни очиб, таълим сифатини юқори босқичга кўтармоқда.

Тан олиш керак, юқоридаги Фармон имзолангунга қадар миллий юридик таълимнинг самарадорлиги анчагина паст эди. Шу боис айна муаммо юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ҳамда мамлакатимизда юридик фанни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли камчиликларни бартараф этиш орқали ечим топмоқда.

Энди ҳақли савол туғилади: хўш, бунга қандай эришилмоқда?

Бунга жавобан шуни айтиш мумкинки, биринчи навбатда юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобат бўлиши лозим. Яъни, мазкур йўналишдаги олий ва ўрта-маҳсус ўқув муассасалари фаолиятини кенгайтириш, қолаверса, бу йўналишга қабул квоталари сонини

ошириш керак. Негаки юридик университет ёки олийгоҳларнинг юридик факультетлари фақат марказда жойлашганлиги ҳамда санокли бўлганлиги туфайли ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилган кўпгина ёшлар — тенгдошларим чекка ҳудудларда, бундай таълим даргоҳи мавжуд бўлмаган вилоятларда қолиб кетмоқда. Масалан, кимдир бориб-келишга, бошқа биров ўқиб давридаги ҳаражатларга моддий имконияти етмаслиги сабабли ўзининг бу юксак мақсадидан воз кечишга мажбур. Бу эса миллий юриспруденция илмий мактабининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятларини чекламоқда.

Модомики, гап тилга олинган

Фармон ижроси, мазмун-моҳияти хусусида борар экан, бу борадаги яна бир масалага эътибор қаратиш лозим. Бу — юридик адабиётлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиш даражасини ҳам оширишдир. Бинобарин, Юртбошимизнинг мазкур Фармони билан 2020-2025 йиллар мобайнида етакчи япон, немис ва бошқа хорижий олимларнинг юридик фанлар бўйича яратган ўқув адабиётлари туркумининг давлат тилига таржима қилиниши ҳамда чоп этилиши айна муддаодир. Бир сўз билан айтганда, юридик таълим келгусида қонун устуворлиги ва адолат тантанасига хизмат қилдади.

Комилжон ТУРҒУНБОЕВ,
 Андижон вилояти юридик техникуми талабаси